


Ўзбекистон Президенти Хитой делегациясини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 июль куні ШХТга аъзо давлатларнинг Ташқи ишлар вазирлари кенгаши тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, ташқи ишлар вазири Ван И бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бўлажак Самарқанд саммити кун тартиби кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Хитой ташқи ишлар вазири давлатимиз раҳбарига ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди. Хитой томони тобора юқори суръат билан ривожланаётган икки томонлама муносабатларнинг бугунги даражасини юксак баҳолаётгани қайд этилди. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тўлиқ қўллаб-қувватланаётгани таъкидланди.

Айтиш жоизки, Хитой анъанавий равишда мамлакатимизнинг етакчи ва ишончли ҳамкорларидан биридир. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Жорий йил бошидан ўзаро савдо ҳажми 35 фоизга ошди. Йил якунида товар айирбошлаш кўрсаткичлари 10 миллиард долларга яқинлашиши кутилмоқда.

Хитой компаниялари ва банк институтлари иштирокида саноат кооперацияси ва инфратузилмани модернизация қилиш бўйича қатор йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Кейинги

йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 10 миллиард доллардан ошди.

Мамлакатимиз етакчиси ўзаро манфаатли ҳамкорликни, энг аввало, камбағалликка қарши курашиш, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини экспорт қилиш, инновацияларни жорий этиш, муқобил энергетика, “булутли” технологиялар, IT каби ва бошқа йўналишларда тубдан кенгайтириш учун имкониятлар мавжудлигини алоҳида қайд этди.

Гуманитар, шу жумладан таълим ва соғлиқни сақлаш, вакциналар ишлаб чиқариш ва ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларини ташкил этиш борасидаги алмашинув дастурини илгари суришга муҳим эътибор қаратилди.

Стратегик минтақавий лойиҳаларни, энг аввало, “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” ва “Термиз – Мозори-Шариф – Кобул – Пешовар” темир йўллари лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишни жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар алоҳида кўриб чиқилди.

Учрашувда Афғонистоннинг тинч тараққиёти ва иқтисодий тикланишига амалий кўмаклашиш борасидаги ўзаро саъй-ҳаракатлар қўллаб-қувватланди. Хитой делегацияси куни кеча шу масалаларга бағишлаб ўтказилган Тошкент конференциясининг самарали натижаларини юқори баҳолади.



Манба